

**ҚАМАШИ  
ТУМАН  
ХОКИМИНИНГ  
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
КАМАШИНСКОГО  
РАЙОНА**

180500 Qashqadaryo viloyati, Qamashi shahri, Amir Temur ko'chasi, 1-uy Tel,Faks (375)53-24-290

2020 йил “ 9 ” декабрь 2020-1074/12 -сонли

Қамаши шаҳри

**Қамаши туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро  
қишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни  
тасдиқлаш ҳақида**

“Автомобиль йўллари тўғрисида” Қонунининг 20-моддаси ҳамда  
“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Туман йўл хавфсизлик, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Ҳайдаров, туман йўл ҳаракат хавфсизлик бўлими бошлиғи Ф.Нормўминов, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Ш.Алмарданов, туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Н.Мўминов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги йўллари сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсинлар.


3. Мазкур қарор “Қамаши” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Ҳайдаров, туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

Н.Муминов ва функционал вазифаларига кўра йўл соҳасига, тартиб ижросига масъул бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсин.

5. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими



Б.Тоғаев